



МЕН ДУНЁГА КЕЛИБ ДУНЁ ОРТТИРДИМ

Гоҳо ўй сурман: нима бўларкин
Ўз зиммамга масъул иш олиб,
Хаётимни буткул тўкиб солсам
Бир парча когозга ишониб?

Бирок уни ёзиб бўладими?
Хўш, мана—йилларим, ахволим, зотим...
Ажратабошласам «ўзимники» дея,
Кайдан кайгача у, менинг хаётим?

Чегараси борми ўй ва хисларимнинг?
Узокдаги юлдуз калбга нур солар.
Биламан, албатта дилшикастаман
Ана у дарахтга болта урсалар.

Бугун ўйларимни безовта килар
Узок космосдаги минг йиллик гардлар.
Качон мени локайд колдирган
Дахлсиз кувончлар, бегона дардлар?

Сочларимга ок туширмадими,
Калбга солмадими жароҳат
Заминда тикилган хар бир кора байрок,
Махаллага келган хар бир кора хат?

Елкамда сезаман Бруноларнинг
Гулхан тафти каби ўт нафасини.
Ўйларимда суратлантираман
Келгуси асрлар киёфасини.

Кайдан кайгача у, менинг хаётим?—
Ўйламабман хатто энг оғир дамлар.
Кайгу ва кувончим кўп бўлди, аммо
Сизсиз улар йўқдир менга, одамлар.

Сиз биландирманки, бари ўзимники,
Чегараси йўқдир ўи-хисларимнинг.
Сиз биландирманки, йиллар ва диллар,
Кувончларим минг-минг, ташвишларим — минг.

Мен дунёга келиб дунё орттиридим,
Хаммасиии колдириб кетарман.
Калбни эса сўнгги хужайрасигача
Ловиллатиб ёндириб кетарман.

ФАБРИКАМНИНГ ЙУЛЛАРИ

Онам хотирасига
Сизни ўйлаганимда
Гамгинман бир оз,
Фабрикамнинг йўллари,
Сиз менга мерос.
Машаккатли баҳтимни
Сиздан изладим.
Фабрикам хиёбони —
Ёшлик изларим.
Асфальт эмас эдингиз,
Кайроки тошдан.
Узок-якин йўлларим
Сизга туташган.
Ўксик болалигимни
Кўмсайман баъзан,
Сиз умримнинг илк сатри,
Такдири азал.
Мен кайрилиб бокаман
Адашсам агар.
Сиз нурланиб ётасиз
Уфкка кадар.
Фабрикамнинг йўллари.

КЎНГИЛ

Нимадир етмайди инсонга хамиша,
Озга коникмайди, кўпга интилар.
Жасорати чексиз, доимо ташна,
Ерга сигмагандай, кўкка интилар.
Шу инсон боласи жиндак ранжиса-чи,
Ё сўзда етмаса нафис малоҳат,
Бирон ноҳакликдан, бирон совукликдан
Юрагига тушса жароҳат.
Бирон сабаб билан жонидан тўйиб,

Умидсизлик солганда соя,
Бундай пайтда кўп керак эмас,
Бир ширин сўз унга кифоя.

УМР НЕГА ШИРИН

Хавотирли, шошилинч, ширин илк бўса,
Борлигимни титратган лахза!
Кейин ундайини тополмадим, аммо
Хануз юрагимда яшар шу ларза.
Кайта кўролмадим етим хаётимда,
Сира унутмадим бир онни лекин:
Устозимнинг каттиқ кўзларида
Ота меҳрин кўриб йигладим секин...
Бир кушча чурк этиб, олам уйгонганда
Шабнам катрасида кўрдим юзингни.
Сўнг бир умр кутдим, кайтиб келмади,
Бир умр изладим шу зумни.
Шундай ноёб, олтин лахзаларнинг
Кадрин билмас экан одамлар.
Ўтиб кетар экан, такрорланмас экан
Умрда ягона бебаҳо дамлар.
Ўтиб кетмаса-чи?
Бирдан тўхтаб бари
Музлаб котиб колса нима бўларди?
Йўг-э, кимга керак музлаб колган хислар!
Орзую пушаймон — бари ўларди...
Асли шундайлиги жуда окилона,
Балки хаёт сири шунда яширин.
Балки такрорланмас бўлгани учун
Умр хам шунака бебаҳо, ширин.

ОНА МЕХРИ КАБИ...

Саратон ловиллаб куёш кўраснда
Ёнар эди кунлар—кеча эмасми?
Яна кириб келди калбларимизга
Олтин фасл, ок олтин фасли.
Сарин еллар билан,
Кумуш тоглар билан,
Мисли бўйга етган бетокат сулув,
Ёник, хаяжонли юракларимизга
Илк мухаббат каби кириб келди у.
Галати туйгу бу: кўхна, ширин, янги...
Илк бор кўргандайман кузни, далани
Хамма нарса сендан ёш кўринар,—

Ё шундай ширинми шунинг алами?
Боладикда кўл узатсам бирдан
Куёшдек кўриниб очилган чанок
Бутун софлиги-ла калбга уриларди
Она меҳри каби илик ва юмшок...
Хозир кенг далалар кайнаб ётса хам,
Тонгдан агрегатлар солса хам гулув,
Шу катта хаётнинг ўтли юрагида
Сира эскимабди шу сокин туйгу.
Ха, шовкинли мотор кудратидан,
Энг нозик туйгулар, эзгу армонлар,
Харир толалардан, огир тонналардан
Уйлади бизнинг хирмонлар.
Ватан хам, биз кутган баҳтли кун келиб,
Тог-тог пахтамизни кабул этган чоғ
Каттакон калбida бир хис сезса керак:
Она меҳри каби илик ва юмшок...

МУКОФОТ

Мукофотга «Волга» олди
Салим бобо, бригадир.
Кайтар экан, ўтмишини
Эслаб колди негадир.
Омоч судраб, кўш хайдарди,
Азоб эди у хаёт.
Каримасди ўша махал
Кани бўлса битта от!
...Юрган сари юрагида
Хотиралар ортарди.
Огир ўйин юз от кучли
«Волга» зўрга тортарди...

ТОНГЛАР ИЗСИЗ ЎТДИ

Яшади у, мисли бир хужайрали,
Жўн яшади.
Сокин ва осон.
Дилига чўг солмас на ўйин, на иш.
Висол орзиктирмас, ўртамас хижрон.
У еб-ичар, лаззат топар эди.
Роҳат топар эди уйкудан.
Кувончдан юраги ёрилмади унинг,
Сочи оқармади Кўркувдан.
Хар нарсани эплай олар эди,
Килиб ўзи учун ёқимли, ўнгай.

Ёниб-куйиб юрмай уйланиб хам олди,
Пижамаси юмшок, ховлиси кунгай.
Юрагига унинг из солмади кайгу,
Изсиз ўтиб кетди тонглар, баҳорлар.
Хайратта солмади инсон жасорати,
Шунчаки сув эди сойлар, анхорлар...
Уни кийнамасди хаёл, муаммо,
Бир нафас ловиллаб дили ёнмади.
Аста шимиб ётди кунлар ширасини,
Хаёт лаззатига лекин конмадн.
Бирдан...
ўлим келди рўпарасига.
Ўтмай колди томоқдан ёвгон.
—Тузалиб кетасиз...—деб танишлари
Тасалли берарди.
(Яна бир ёлгон!)

Хеч бири ўлимнинг буюк моҳиятин
Этгиси келмасди рўй-рост тасаввур.
Наҳотки ёлғонсиз ўла олмаса,
Унга етмасмиди бир ёлғон умр?!
У азобда колди, даҳшатга тушди:
«Ўлим нима ўзи, одамзод?!»
Наҳотки у ёги тубсиз зулмат бўлса,
Наҳотки, наҳот...»
Хой, ўлим нима, деб бош котиргандан,
Хаёт нима, дея килсайдинг ташвиш...
Хаёт ахир нечог саёз, майда бўлса,
Ўлиминг шу кадар совук ва мудхиш..

ОЛИЙ БУТУНЛИК

О, она табиат!
Сен билан як сонман,
Сен менинг эркимсан, менинг кафасим.
Жоним шириклиги, тириклигим сендан,
Соф хаводан олган нафасим.
Тугишганлик хисси йўл кўймайдими,—
Одатмас куёшга айтмок ташаккур.
Хар тонг каршисида тиз чўксам арзирди,
Ёруг дунём менинг, кўзимдаги нур.
Сезаман экинлар танасидаги
Шарбат бўлиб оккан ризкимни.
Найкамалак, гуллар—менинг хисларим,
Бахор янгилайди хаёт ишкимни.
Ер иссик, ер юмшок, ўзим хам ердан,
У кўринмас менга бир маррасимон.

Йўқ, мен абадийман.
Менга ўлим йўқ.
Тирик табиатнинг бир заррасиман.
О, хаётнинг олий бутунлиги!
Инсонга уфкларни кенгрок оч,
Жамики дардларга малхам ўзингсан,
Азобли ўйларга ёгду соч.
Азобли ўйларга ёгду соч...

БИЛСА ЭДИМ ШУНИ

Орамизда зилол бир кўл бор,
Кузнинг тиник зангор кўзича.
Фасллардай кувлашамизу,
Киш ўзича экан, баҳор ўзича.
Бир-биrimизга ета олмаймиз,
Бир-биrimиздан кета олмаймиз,
Тонг баргода салкин бир томчи,
Кекса куёш уни ютади.
Шу томчи эртага яна тугилиб,
Мўлдираб куёшни кутади.
У бўлмаса гўё куёш ёнмасмиш.
Чин эхтирос сира конмасмиш.
Бир-биrimизни кўя олмаймиз.
Бир-биrimиздан тўя олмаймиз.
Капалакми, тош хайкалми менинг
Ўт ичидаги ўтган уч туним?
Ўт ичидаги ўпган юлдузимда
Колса эди тирик учкуним!
Колса агар тирик учкуним,
Хотирангда яшаб колардим.
Билса эдим шуни, мантуликни хам
Мана шу окшомдай кутиб олардим.

КИЙНАЛИШ

Китобларим варак-варак,
Сиз кайларда сарсари?
Умрим эди яшил дараҳт,
Сизлар унинг барглари.
Мен сиз билан нафас олдим,
Дард билан яралдингиз.
Хар гал ўксисб колди калбим,
Еллар-ла таралдингиз.
Оппок булут сузиб ўтди,
Яна томчи томмади...

Нахот бунга хам кўниқдим,
Дардли ўйлар колмади?
Майли, агар тўймаса
Дилимнинг какроклари,
Довул турсин, тўкилсин
Умримнинг япроклари...

АСЛИГА ТЎГРИ

(Хиссиёт тўгрисида рационалистик шеър)

Тармашиб олади баъзан ўйларнинг
Ёпишкок, бекорчи, машъуми,
Шунда таъкидлаймиз биз ўзимизга:
«Ўйлама, ўйлама, ўйлама шуни!»
Одам хамон ўйлар, ўйни куволмай,
Ўзи биладики, йўқдир кераги,
Ажаб, хаёт билан сингишиб кетмокка
Аклу идрок халал беради.
Баъзилар уйкуда ойдин кечалар
Томнинг бўготига чикиб юради.
Шу махал бир зумга уйгонса борми —
Йикилар, ёрилар балки юраги.
Ажаб, хаёт билан бир бутун бўлмокка
Аклу идрок халал беради.
Маст килганда бўса лаззати,
Дилни фавқулодда кувонч яиратса,
Ёки йўлда бир зум тўхтаб турсак
Тонг хуснига колиб хайратда,
Согинганда, висол дамларида
Бебош хислар билан юрак орзикса,—
Бундай махалларда бирдан келиб колган
Хар кандай аклли фикр ортичча.
Хаёт моҳияти тўгрисида бизга
Саволлар беради аклимиз яккаш.
Хислар эса яшаш керак дейди,
Жавоби хам шудир: яшаш ва яшаш.
Фожиани тан олмайди хислар,
Куёш кўланкани кўрмайди абад,
Худди шундай, хаёт хам ўзининг
Махкум эканини билмайди албат.
«Чин аклдан» эмас, «чин кўнгилдан» деймиз.
Факат юрак билан севамиз,
Ва муҳаббат деган ўша кўхна сўзга
Хамон сигинамиз ва бош эгамиз.
Мен дунёда минг жилд китоб ўкиб,
Топмадим бир кўнгил рисоласини.

Фарзандлар максадсиз, режасиз,
Касамёдсиз севар ўз онасини.
Хиссиёт хаётнинг аслига тўгри,
Идрорк гоҳо якин, гоҳо йирокдир.
Хаётга мухаббат ва яшашнинг ўзи
Хаёт маъносидан улугрокдир.

УЛАР УЛГУРДИЛАР

Не-не савоб топиб, не гунох этди
Тўксонида тетик, хаёт бўлганлар.
Хеч нарсага улгуrolмай кетди
Йигирма ёшида халок бўлганлар.
Йўқ, йўқ, улгурдилар ёш бўлсалар хам,
Инсон кодир бўлган энг буюк ишга:
Улар улгурдилар энг мукаддас дам
Ўзни Онаюртга курбон килишга.

ОНАНИ КОЙИМАЙДИЛАР

Орамизда узок-узок йўллар;
Сенга интиламан боғлар гулласа,
Аммо йўллар... йўллар майли эди,
Орадаги йиллар бўлмаса.
Сени ўйлаганда ўша йиллар гўё
Секинлатар калбим зарбини.
Улар мени бехудага чорлар,
Ярадек огрийди хар бири.
Лекин мен уларни койимам, чунки
Такдир бўлиб колган замона.
Оркамдан кузатар мени, онамдек,
У мени туккандир, чиндан хам Она.

ЖИМЛИК СУРОНИ

Яйлов окшомининг эпкини илдам,
Юлгун керагалар аста гирчиллар,
Кун бўйи эгардан тушмай, толса хам,
Тун яна безовта ёш йилкичилар.
Олонда оқ, кизил кийган киз-жувон
Шов-шов шопиради бия сутини.
Окшом тинч, босилмас дилдаги сурон,
Неларни эслатар тезак тутуни?
Вакирлаб гўшт кайнар кора козонда,
Ўтов атрофида итлар санкиган.
Кизлар шивирлаган ўша олонда

Янги кимиз хиди анкиган...
Окшом кўринишда осуда, сўлим,
Лекин у бир олам ўй, сир саклайди.
Ингичка кишинаса узокда кулун,
Биянинг кўзида юлдуз чакнайди..

Орзуларнинг мангалигин ўйлаб,
Юрагимга гулув тушади.
Кун багридан чикиб бизнинг экипажлар,
Зим-зие коинот сари учади.
Ерда эса хамон кадимгича
Эртаклар куйлади гиротларини.
Коронги бурчакдан чикиб парвона
Шамда кўйдиради канотларини...

ЯЙЛОВ ТОНГИ

Кел, жонгинам, бирпас ўлтирайлик
Жимликнинг сехрида мастона.
Бу тун гўё факат иккимизники,
Бу тун мангаликка гўё остона.
Кирда сурувларнинг дупури тинган,

Кўйчивонлар ёккан гулхан ўчибди.
Саксовул чўгкнинг учкунлари эса
Юлдуз бўлиб кўкка кўчибди.
Яйлов туни мунча улугвор,
Мунча сокин бу дала-тузлар!
Бир сескансанг гўё шу зумда
Дув тўкилар ерга юлдузлар.
Тиззамга бошинг кўй.
Ойнинг кокиллари
Уфкларга тушди таралиб.
Кўзларинг сехрида менинг такдирим,
Сочларингга колгай ўралиб.
Яйлов денгизини кечар оппок тонг,
Нега калбинг жиндак энтиқди?
Ана, ок нур тушди: майсада кимдир
Рўмолчасин унутиб кетибди...
Кадимиий хисларни чорлаб уйготар
Узокда кишинаган той-дўнан.
Согинишлар, нозлар такрорланар,
Ёзлар такрорланмас, жонгинам.
Кел, жимгина бирпас ўлтирайлик,
Кўзларингга яна тонг хуснidan ол.
Тонглар...

Тонглар хали олдимиизда кўп,
Лекин мунакаси бўлмас эхтимол.

УМИД

Куз эртаси. Намгарчилик,
Хазон биксиб, тутун таралар.
Оёк ости—«чилип-чилип»,
Зиркирайди эски яралар...
Бор умрингни ўйлайсан кайта,
Нимадир юракни эзадй».
Имони сустроклар мана шундай пайтда
Яшашдан безади.

Аммо сен бок хаёт денгизига:
У ўжарлик билан килар ишини.
Разм солсанг, хар дам ўзига
Минг-минг иплар билан бөглайди сени.
Фасллар алмашар, долгаланар хаво,
Каргалар товуши—кишнинг дараги.
Тротуарда
букчайган бир бобо
Ёш кўчат кўтариб ўтиб боради.
Нихолни авайлаб махкам ушлаган
Томири бўртиб чиккан титрок кўллари
Хаёлида балки оламни хушлаган Бахор,
бодрок-бодрок ўрик гуллари.
Кўм-кўк шовуллаши балки кулогида,
Кўкси билан сезар соя-салкинин.
Совутгиси келар кўнгил булогида
Саратоннинг лов-лов ёлкинин.
Бобонинг умрида кўп бўлгандир баҳт,
Лекин баҳт ўткинчи,
Умид — абадий.
Кекса кўллардаги мана шу дараҳт—
Эртага кимнингдир толеи каби.
Бобонинг кўзида умид ялтирас,
Кўчатни кўтариб шошиб боради.
Махалла устида хамон калтирас
Бебош болаларнинг когоз варраги.

АДОЛАТ

(Янги йилда чоллар гурунги)
— Мана, умримиздан яна бир йил кетди.
Бандаси билмай хам колади.
— Шу кунга етқизди, шукр килайлик,

Эгам ўзи берган, ўзи олади.
— Олиб, нима, еб кетармиди?
Фахминг етмадими ё шунга:
У умрингдан олган ўша бир йилни
Тўкмай-сочмай кўшар ёшингга.

КАЛБИМ НОЗИКЛАШДИ

Янги йилнинг якин оппок туни
Болалар орзикаб тунни кутади.
Ўтган йили учган нафис кор учкуни
Янги йил сарҳадин бузиб ўтади.
Болалар ховликиб янги йил кутади,
Менга эса йил кузатиш — гам:
Килт этиб узилган битта япроқ хам
Нак калбимга тегиб ўтади...

Хаёт шундай мўъжизаки,
Канча жабрин тортсанг оз.
Ўлим эса унинг учун
Арзимас бождир, холос.

ЭКСКАВАТОРЧИ

Эксаваторчи тупрок агдаради,
Кум дарёдай окар пўлат ковшидан.
Унинг роторлари шундай дагдагали,
Сахро уфклари титрар товушидан.
Тортади метиндек катламлар таги,
Кўзлардан ўт чакнар чагирлигидан.
Томирлари бўртар узок цехлардаги
Олтин мисколларнинг огирилгидан.
Ер тугамас, хамон казир ошнам.
Ўн йиллардан бери шундай ковлайди.
Гўё она-Ердан аждодларнинг хам Хакки-хукукини довлайди.
Олтин унга, чоги, мухиммас унча,
Мен тушунгандайман гоҳ ниятига:
Ковлар мохиятга токи етгунча...
Инсон хаётининг мохиятига.

ИНСОН

Сен кашфиёт ёлкини, оташ,
Асрий зулматларда бир ёруг нукта.
Барча мавжудотлар калбингга туташ.
Бир оддий гиёхнинг олдида тўхта.

Арик шилдираши, барглар шивири
Сенга жон озуги, рухингга дардкаш.
Гуллар билан сўраш, хидлаб хар бирин,
Капалаклар билан сұхбатлаш.
Жавоб бермасалар гапингга, майли
Совук юлдузларга тикилганда goх,
Билгинки, калб кўри жонлилар туфайли,
Жонлилар жонлига доим хайрихох.
Кўп суздим, биламан денгиз шукухин.
Гойибдан тинглайман теран сасини.
Терс туриб сезаман улугвор рухин,
Кўраман кўркини, жозибасини.
Мен сени ўйладим бугун сохилда,
Хеч кимга тенгламам, тенгсизсан.
Кетгансан. Аммо сен доим ёнимда,
Денгизга ўхшайсан. Денгизсан.

Уфклардан калкиб кўхна Амур
Охиста, чўяндай эшилиб окар.
Нариги сохилда хали куёш ёнур,
Кекса нанай унга энтикиб бокар.
—Биз озмиз. Тириклар—кўзнинг нуридай,
Улганларни доим ёдда тутамиз.
Тугилмаганлар хам дилнинг тўрида,
Тараддуллар билан кутамиз...—
Мен шундай ўйладим: «Бундай элатни
«Кичик» дея аташ керакми?»

Тегирмон тошининг ўқида ором.
Ором гирдибоднинг кок ўртасида.
Жозиба теграси—саъий бадавом,
Шундай бир холат бор ишк ўлкасида.
Ишк—ором излаш, мушкул ва ширин,
Чархи гирдон, хулласи калом.
Сенинг кўзларингда ором яширин,
Атрофингдагилар шундан беором.

ИНСОН ЭРТАГИ

Ўтиб кетди. Ўтиб кетди лахза.
Ўтиб кетди, мен караб колдим.
На хаяжон менда, на оламда ларза,
Нега аччик фарёд чекмайди калбим?
Ўтиб борар зумлар, ўтиб борар,
Бири—буюк, кай бири оддий.
Бири учар мангуликка караб,

Бири вазмин ва кариб моддий.
Ўтиб борар, елиб борар тикка,
Барини баробар елдирап бир куч.

Бири тўппа-тўгри учар йўкликка,
Шуурсиз ва аянч, салмоксиз ва пуч.
Пучми-тўкми — хар ким баҳоласин,
Чунки бу аслида инсон эртаги.
Учаётган планетада одам боласи
ундай, ё бундай ўтиб кетади.

ТУШ

Мен бир туш кўрибман.
Ажаб замонлардан.
Жахл устида ўша сўз айтилмаганмиш.
Хали кўнгил холи пушаймонлардан,
Ахду ваъдалардан кайтилмаганмиш.
Висол зорикитиrap, зардалар ширин,
Ёлгизлик алами хали нотаниш.
Билмай ковушувнинг мангулик сирин,
Диллар бир-бирига кувонар эмиш.
Кўзларнинг кўзгудек бегунохлиги
Тирик эмиш, тирик ва абад.
Менинг инсонлигим, сенинг илохлигинг
Ва бизни teng этган ўша мухаббат.
Олдинда узок йўл, узок умрнинг
Аччик-чучуклари хаёлда хам йўк.
Хали иссик эмиш ёнимда ўрнинг,
Хаёт мўъжизалар сехрига тўлик.
Билмасмишман якинлигин жўнгина турмуш,
Бутун бир умрни ямлаб ютган он,
Ва сўнгра... вактнинг, худди енгсимон,
Астарин агадарган бу галати туш...

ТУН УЙ СУРАР

Бизнинг богда окшом пайтлари,
Иигиб олганида кун шуъласини,
Ўтлар орасида яшил чигиртка
Бошлиди тинимсиз ашуласини.
Бу кичкина жоннинг сўзсиз кўшигин
Асли фидойилик деса бўлади.
«Хаёт бор...»—тун бўйи ўжар бир таъкид
Катта сукунатнинг жонли бўлаги.
Шу чириллаш борки, назаримда,

Тун ўй сурар, табиат тугал.
У бўлмаса сўкир кечалари
Рухимиз хувиллаб коларди хар гал.
Кашшокрок бўларди тун манзараси,
Бундай сехрий таъсир этмасди
Хам умумжахоний гармонияда
Бир азалий оҳанг етмасди...

Бизнинг богда чиксанг окшом сайрига,
Ё оралаб юрсанг сен ишкомларни,
Чўчитмагил севишганларни,
Осмонларда сезсин ўзни, майлига.
Бу лахзалар бир умрга татир,
Бу лахзалар синар ёшлик сабрини.
Биз шуларни кўриб биламиз ахир
Тунги юлдузларнинг кадрини.

ОЛМА ТЎКИЛДИ

Мева тўкилади. Боглар димиккан.
Тунлари «топ» этиб олма тушади.
Тонғги ўиларимдай тиниб-тиниккан
Огир сукунатнинг багрин тешади.
Бўғик, узук товуш. Унда нимадир
Сўзлайди хикматдан, кисматдан.
Кимнингдир уйкусин бузар, кимгадир
Заминнинг жозиба кучин эслатган...
Мен сезаман унда сехрий аломат,
Шошкин, эҳтиёткор товуш...
Сен мудраб Кутасан...
Одамнинг хаёти узра
Нимадир туради шундай омонат.
Качондир сарфланган куч уни аввал
Аста кимиirlатар... Узар бандидан.
«Топ-топ» деган сари йўқотгандай хар гал,
Она айрилади бир фарзандидан.
Узук, бўғик товуш...
Унда нимадир бор
Кадимиј дунёдан, кисматдан.
Етилиш, паймона, муддатдан...
Олма тўкилади. Уйлар бекарор.
Хай, тўкилиш учун хар зот пишади.
Олмадек сехрий чарх айланар.
Фасллар давраси яна тугалланар...
Тонглари «топ» этиб олма тушади.

Азизим Александр Удаловга
Богда, узоклардан келтириб, дўстим
Бир кайин ўтказиб кўйганди.
Шу меҳмон ўз тенгги чинор ёнида
Эрта баҳордаёқ аста уйгонди.
Уйгонди-ю, хамон кўм-кўк уйкусини,
Майин уйкусини кувлаётгандай.
Эс-эс хотирлайди ўрмонларни гўё,
Тушда кўрдимми, деб ўйлаётгандай.

Бизнинг богда хар тонг аста янграр
Мухаббат кисмати тўғрисида куй.
Хоргин кўзларимни ювар оханглар,
Назаримда, куйчи жиндек художўй.
Куй гамгин бўлса хам, бечора нетсин,
Уйкусиз тунларим ёлгиз эмасман,
Рахматдан ўзгани унга демасман,
Шунча орзиктирган васлига етсин.
Бизнинг богда биринчи кор ёгди.
Уйга ёмонликлар келмайди сира.
Сен менинг коримсан, биринчи корим,
Гўё бутун олам сендай бокира.
Бутун олам шундай оппок тинлик,
Бахор гулларининг хиди келади.
Бахор гуллариడек, кор тагида мудраг
Одамларнинг эзгу тилаги.

Бизнинг богда тун чўккан махал
Калбни увиштирас үкки ноласи.
Бирор дер, у чорлар бадбаҳт кисматини,
Бирор дер, каргармиш ўгай боласин.
Мусибатдай совук, узок, гоҳ якин,
Балки гадо фолбин, балки жиннидир.
У ўзи бегона кўздан яширин,
Лекин чакиради хамон кимнидир.
Бетиним саннайди, назаримда тунни
Кора бўлакларга бўлиб чикади.
Нимага ўхшатсанг, нима десанг хам
Бир гамгин афсона бўлиб чикади.
Окколмаган эмиш она сутини,
Ок сут тилар эмиш, деган гап...
Бу хам—эртак. Шундай сўлим тунда
Эртак рўпарангдан чикса не ажаб!
Хаёт шу экан-да: ёгду ва зулмат,
Кишу ёз, ўнгу туш, тирик ва ўлик...
Шусиз бўлмас экан тугаллик сира,

Хатто куш наъмаси: гўзал ва хунук.

Бизнинг бодга шифобахш ўт бор,
Халк унинг отини баргизуб демиш.
Чунки ўша ўтни тунлари бедор
Юлдузлар нур билан сугорар эмиш.
Сиз биласиз менинг ёнишларим,
Сатрларга кўчган калб чўгимни,
О, юлдузлар, тунги танишларим,
Нур билан сугоринг шу кўшигимни.
Эҳтимол, шунда у бирон кимсанинг
Юрак ярасига малхам бўларди.
Гулдек очиларди замин . инсоннинг
Атиги бир зумга ариса дарди.

Кайним Ахмад халок бўлган кишлокда
Шаббода овлуни оралаб ўтди,
Сўнгги рутубатни боғлардан кувлар,
Яна гуркиратар калбдаги ўтни.
Ок йўл сизга, эй тошкин сувлар!
Эрталабки туман вазнсиз, харир,
Ундан нари—кирлар, сенинг кирларинг.
Ёшлигинг тентирар кирлардан нари,
Сенинг яшамаган эсиз йилларинг.
Унда тошлар ёниб кул бўлганди.
Яна бошок унди, салмокли, иирик.
Бахор бу ерларга яна ўрганди,
Сен ардоклаб колган мўъжиза тирик.
Ўша ёқдан келар ёшлиқ далдаси,
Дардли хотирани дилдан таратган.
Ўша ёқдан келар бахор шаббодаси,
Хислар, куйлар окар ўша тарафдан.

Найкамалак, сизча, спектрлар холос,
Вибрация, дейсиз, кушлар наъмасин.
Шеър эса, мана калам билан когоз,
Программалашган харфлар йигмаси.
Хаёт-чи, оксилми, кислотами, нима?
Юрак—насос, хилол—оддий кул...
Гилосдай лаб эмас, хужайра, тўкима,
Гулни нима дейсиз, гул-чи, гул?
Балки формуладан иборатдир дунё?
Нима дейсиз тонгни, туманни?
Ундей бўлса, мен-чи, мен хам ё
Модда алмашиниш объективиманми?
—Йўк!—дегим келади, кисилади юрак,

Менга сир колдиринг, хакким довлайман
Менга гўзал, сехрий дунё керак,
Сирру мўъжизасиз яшай олмайман!

ДАРБАДАР

Юлдуз бўсасига Ер кўкси очик,
Абадий ковушган денгиз-ла осмон,
Хатто чакмок зулматларга ошик:
Факат шамол ёлгиз, беошиён.
Факат шамол ёлгиз, ерда дарбадар,
Факат шамол хамон жуфтин излайди.
Дараларда изгиб, тунга накадар
Озор берганини ўзи сезмайди.
Кезади тогу тош, чангалзорларни,
Кимнидир чакирав хамон телбадай.
Даргазаб юлкиниб, гох зорланиб
Гох нордай кутуриб, гох өлевгай,
Богда, соҳилларда, кирлардан пастда
Сулувларнинг сочин сийпаб тарайди.
Ўтли сийналардан сиргалиб аста,
Хумор кўзларига тўйиб карайди.
Яна кетади у, кимнидир истаб
Ва кўркиб калбларнинг ёнишларидан.
Бегона ётоклар хидини исказ,
Мўралар дераза тиркишларидан.
У маскан тополмас маскан тарк этиб,
Рухи хеч каерга сигмайди.
Кейин, Мажнун каби, сахроларга кетиб,
Узок-узок ёлгиз йиглайди.
У мингларни чорлаб ялинган эмнш,
Аммо калбида йўқ хеч кимга вафо.
Шундан, у топилмас ишкнинг бедаво
Мангулик дардига чалинган эмиш.

УЧИШ

Узок замонларда Иргай тол эгиб,
Ёй ясади одам,
Ўк отди.
Шунда илк бор Учиш дарди тегиб,
Оромини буткул Йўкотди.
Уни чакиради Ўзга оламлар.
Кейин, Калугада Тунлар беуйку,
Планетани уйготмасдан,
Аста кадамлаб,

Йўлнинг ярмини Босиб ўтди у.

Ўйларида униб Идрок атоми,

Фазо бирдан Гўё кичрайди.

У учди.

Оlamни тутди шовкини.

Уфк

худди ёйдек Хамон титрайди...

ЎТАР-КЕТАР...

«Ин хам мегузарад!»

Донишмандга балли.

Демак, хеч нарсадан бўлмайлик хафа.

Кандай аллаловчи, осон тасалли,

Кандай юпатувчи, ўнгай фалсафа!

Ин хам мегузарад... ором, ором кучинг.

Хаяжондан сакланг юракни.

Лекин хаяжоннинг ўтиши учун

Ахир жиндек фурсат керакми?

Ин хам мегузарад.

Тугиб олинг дилга,

Чиндан, хамма нарса, сўзсиз, ўтади.

Лекин хамма нарса ўзи билан бирга

Умрнинг бир кисмин олиб кетади.

Умр? Ин хам мегузарад, балли.

Бундан хам хеч бўлманглар хафа.

Кандай аллаловчи, осон тасалли,

Кандай юпатувчи, ўнгай фалсафа!

Ахир, «ўтар-кетар», бу—вакт хакида,

Бир нима ўтгунча фурсат кутамиз.

Умргузаронлик кўхна акида.

Аслида, вакт ўтмас, бизлар ўтамиз...

Тезрок етсайдим, деб, йиллар йўқотамиз,

Гўё вакт тез ўтса ютамиз шунча.

Ранжитамиз, сўнгра юпатамиз,

Аммо фурсат керак дил ёзилгунча.

Алам босилгунча фурсат керак, фурсат,

Огрик тузалгунча фурсат кутамиз.

Фурсат керак баҳтимизни кутсак;

Орзу ушалгунча фурсат кутамиз.

Мевани ўйлаймиз дилларда минг-минг

Хушбўй капалаклар курганда маскан.

Биз висол кутамиз гоҳ ёлгизликнинг

Дардчил лаззатини кадрламасдан.

Куннинг чала-чатти курокларини

Йигиб, эртагача уммокка шаймиз.

Доимо календарь япрокларининг
Хазонрезгисида яшаймиз.
Саховатданмикин «ўтар-кетар» деб,
Умрни бемалол бундай улашсак?
Олдинда мангулик бизни кутардек,
Хозирги хар лахза учун курашсак.

ЕР

Ерга мен ўзимни жондош сезаман,
«Тупрокдан бўлган»им туфайли эмас.
Шунчаки, мен учун хамма нарсадан
Инсонга марҳамат хисси—муқаддас.
Ернинг ташвишлари битмас хеч маҳал,
Халоват истасак биз ундан топдик.
Бир кифтиң силкиса—гул, мева, асал,
Бир кифтиң силкиса—кор, бўрон, соғлик.
Истардим, инсон хам Ерга факат дон,
Мурувват, саховат уругин экса.
Хеч ким ўксимаса, хаммага етса
Кўк гумбаз остида тўкин дастурхон.
Назаримда, мен хам ерни дехкондай
Хайдаб, хар кадамда маъно изладим.
Эҳтимол мендан сўнг бир томчи кондай
Ёнар марзаларда колган изларим.
Ерга мен ўзимни кондош сезаман;
Тупрокдан бўлган»им туфайли эмас.
Шунчаки, мен учун хамма нарсадан
Инсонга марҳамат хисси—муқаддас.
Хатто, тўгри бўлар калбдошман десам.
Тошни кайга отсанг ерга тушади.
Шунга ўхшаш, дўстим, кимга озор берсанг
Калбим ачишади.

КОНДА

Куёш тафти,
Кўк денгизда елкан,
Каҳратон соғлиги,
Бахорги томчи...—
Буларнинг астойдил кадрига етган
Ягона инсондир, наздимда, кончи.
Бунда на куну тун ва на фасллар,
Бош узра кора ер, залварли, кат-кат.
Ундан хам оғиррок зулмат, сукунат,
Факат тирговучлар аста кисирлар...

Бир-бирини йўклаб, недир сўзлагандай
Манглайларга кўнган карбит юлдузлар.
Шоир хар бир сўздан ўт излагандай,
Кончи ер каърида тошдан ўт излар.
Мен бунда билдимки, хар юлдуз—одам,
Юлдуз замйрида бир инсон шахси.
Билдимки, кўмирдан яратилсанг хам
Зулматда нур бўлиш накадар яхши!
Билдимки, меҳнатда, сўзда ва куйда
Олов—теранликда. Ундан хам нари!
Билдимки, кончини кутарлар уйда
Кўкдан космонавтни кутган сингари.

У БАХОРДА КЕТДИ...

У баҳорда кетди, сени йиглатиб,
Хуш буйга тўлганда боғлар, кўралар.
Умид томчилари аччик ва латиф,
Бошда олча гули тинмай бўралар.
Узок кўз ўнгингда турди ўша дам,
Ёз ўтди шу дамнинг -хисларин синаб.
Локайд эди унга кунлар, ойлар хам,
Куз ўтди ёнидан ётсираб.
Киш келди, кор босди ярим оламни,
Кор остида колди боғлар, кўралар.
Ёлгизлик тунлари совук, аламли,
Кор эса бўралар, хамон бўралар.
Шунда у кўринди кетган йўлида.
Мехр излаб кайдадир балки тиланган,
Тавбадир, умиддир балки дилида,
Ўзи бошдан-оёқ корга бөланган.
Ёдга келмай кийнар унунтилган кўшик;
Останада турди. Кор юз-кўзида.
Кор эригач, кўрдинг: ўрнида—бўшлик
Жиндак кўлмак колди оёқ изида.

АЯЖОНИМИЗ

Титраб янграр эди уфклар тонгда,—
Гўзал куйлар эди аяжонимиз.
Булутлар тўлганар эди осмонда,
Жажжи юракларда — хаяжонимиз.
Куйни кари-картанг мукка тинглаган,
Бунда ожиз эди хар канака сўз.
Уруш мўраларди кўлсиз енглардан,
Юпун хирмонлардан — бебарақа куз.

Аям кўкка кушдай интилар эди,
Этагидан ушлаб дийдириардик биз.
Яшил кўсакларда мўлтиллар эди
Чала колган кўйдек болалигимиз.
Булутлар безовта эди осмонда,
Жажжи юракларда—хаяжонимиз.
Дадамизни эслаб шунда хар тонгда
Мунгли куйлар эди аяжонимиз.
Куй бўлиб учмокни киларди орзу
Дадамни бир кўриш касдида.
Аммо канотларин ёзолмасди у,
Чунки биз бор эдик канот остида.

БОЛАЛИК

Илк тонг нури кипригинга кўнар,
Кўқдан ювиб кетар кора уйкуни.
Каердадир сўнгти юлдуз сўнар,
Шабнамларда колар учкуни.
Сен оламни илк бор кўраётгандек,
Тугилиш чогига бўласан гувоҳ.
Хаёт эндиғина куртак отгандек,
У хали бир гўдак, соф ва бегуноҳ.
Лекин бирпасдан сўнг буларнинг бари
Худди болаликдай колади ортда.
Болаликда кўрган тушлар сингари
Хотираларгина колар хаётда.
Унга кириб келар тутун ва гулув,
Тердатар ташвишлар, терлатар куёш.
Оlam яна ўша чалкаш ва улуг,
У яна кадимий, унга миллион ёш...
Орзу олга ундар, хотира—ортга,
Булар бир-бирига, албат, зид нарса.
Лекин, ох, канийди хар тонг хаётда
Чиндан болаликка бизни кайтарса!
Хой-хой, келинг,—дея,—ўша кунларим!—
Яхшию ёмонин бирга тўплардим.
Муштлашган, дўстлашган жўраларнинг барпн,
Таниш кушларимни йўклардим.
Чангли сўкмокларим таниб олар эдим,
Чашмалар, окшомлар, лолазорларим,
Таниб олар эдим гулингизнинг хидин,
Кирккокил синфдош дилозорларим.
Кўрадим ёшгина онажонимнинг
Юзлари ажинсиз, дилбар чогини.
Гамли, хаяжонли хар бир онимнинг

Янгилаб дилдаги ёгду, догини.
У билан чикардим—далалар гилам,—
Яна узокларга бир кўз тутардик.
Хамон жиндаккина илинж кўри билан
Дадамизни жангдан кутардик...
Болалик... умрнинг сехрли дами;
Ким билади дейсиз бу холнинг сирин:
Аччик-бўлса хамки лабларда таъми,
Калбда хотираси шу кадар ширин!

КИРДА

Ойдин жимлик кумуш жарангсимон
Яна бошокларни шуълага чайди.
Тушиб колган дондек, мен хам бир замон
Шу она тупрокда униб чиксайдим.
Коинотда порлаб кўринади
Сомон йўл сингари инсон хаёли.
Инсон ўзи хамон ерда уринади,
Водийда анкийди аргувон боли.
Инсон кузатади мовий денгизни:
«Кайси сунъий йўлдош, кайси сайёра?»
Аммо кўшни кападаги ўрокчи кизнинг
Нозли кулгисидан калби чилпора.
Авф этинг уни, порлок юлдузлар,
Инсон Ерда худди дараҳт сингари:
Дараҳтлар юксакка интилган сари
Чукуррок кетади ерга илдизлар.

БЕЗОВТАЛИК

Бола эдим. Ойижоним ёш,
Зебигардонлари яркирар эди.
Сизни йўқлаганда, аста эгиб бош,
Менинг исмим айтиб чакирар эди.
Билмадим, исмимнинг йўқ эди сехри,
Менда фахр этгулик нима бўлгандир,
Балки юрагингиз оила меҳри,
Илик хислар билан тўлгандир.
Хар холда, у сизни йўқлаган чокда
Менинг исмим айтиб чакирар эди.
Сизнинг кўзларингиз эса узок-узокда
Чакнаган юлдуздай ялтирас эди.
Ёшим, эслолмайман, нечадайдикин,
Оёк яланг чикдим кузатиб наврўз.
Умид юлдузингиз сўнмади, лекин

Сиз сўндингиз, дада, bemavrud.
Окоплардан яна калкиди дунё,
Мерос килиб олди уни наслимиз.
Планетанинг чакка томири гўё,
Хамон тепиб турар нотинч асримиз.
Кеча бирдан кимдир мени илк марта
Исмимга исмингиз кўшиб чакирди.
Ёшим энди сиздан бўлса хам катта,
Бутун вужудимда чакмок чакилди.
Мени чулгаб олди безовта туйгу:
Хўп, магрур юрарман эслатиб сизни,
Лекин айни дамда дилга тушар гулув—
Оталар исмига муносибмизми?

ТУГИЛИШ

Тонг олдидан ёмгир севалаб ўтди.
Кейин кўк очилиб, ёғди юлдузлар.
Ердан ховур кўтарилди, худди
Кимираган каби зимдан илдизлар.
Кимгадир мукаддас бир зум якинлади
Коровул ўчирди сўнгги фонарни.
Июль куёшининг илк ёлкинлари
Япрокларга сачраб ёнарди.
Ер ёш; софлик жимиirlатар этни,
Зориккан гунчалар очилди bogda.
Панжарадан ошиб чикиб кетди
Майсазорда юрган яшил шаббода.
Эшиқдан эшикка югуриб еларди,
Суюнчи сўрарди, суюнчи.
У гўё такдирни олдан биларди,
Гўё йўк дунёning гами, куюнчи.
Ийманиброк турар ота пойгакда,
Кўксига юлдузи, бир кўли майиб...
Ичкарида эса, оппок чойшабда
Жахоннинг умиди ётар жилмайиб.

Билмадим, йўлингга кимлар бўлди.gov,
Безиди кулбамдан файзу фаришта.
Кўнгил мулким менинг алгов-далгов,
Кайт, дунёмни килгил саришта.
Бари ўлда-жўлда—рўзгор, хис, хаёл...
Сенинг кўлларингга хаммаси мушток:
Кувонч гулларимга сув сеп. сохибжамол,
Кайтиб, кўзларимнинг юлдузни ёк.
Тонгдек балки эшигимдан кириб,

Сўнган ўчокларим ёнсин меҳрингдан.
Бунда хамма нарса сенинг билан тирик,
Бунда хар мўъжиза сенинг сехрингдан.
Хаёл зулматига сочинг чулганар,
Кийнар илк нигохинг мангу лахзаси.
Деворда соядек эс-эс тўлганар
Тунги бўсаларнинг сирли лаззати.

Айтсанг-чи, йўлингга кимлар бўлди гов,
Безди-ку кулбамдан файзу фаришта.
Кўнгил мулким менинг алгов-далгов,
Кайт, яна дунёмни килгил саришта.

НОМАЪЛУМ СОЛДАТ

Жасорат майдони—саҳна эмас, ха.
Бўлиши шарт эмас гувохлар.
Баъзан жасоратга гувоҳ шунчаки
Номсиз тепаликлар, тонглар, гиёхлар
У тонг каби балкиб тугилади
Пинхона, хар кимнинг калбида.
Халк балки билмас, у содир бўлар
Факат виждон, виждон олдида!
Бугун гул кўтариб келганлар—унга
Бободир, сингилдир, онадир...
У тарих каърида колса-да ўзи,
Бизни келажакка чорлаб ёнадир!
Цезарь эрталабдан нохуш эди бoggда,
Дунё кўз ўнгидаги бегона, эриш.
Хунук бир туш кўрди.
Рухи алагда.
Тушда ўз онасин зўрлаган эмиш...
Дархол чорлади у кулли уламо,
Мунажжимлар, фолбинларини.
То таъбир этилсин бу мудхиш рўё,
Истикболими бу, олдинларими?
Улар жаҳонгирни танг колдирдилар,
Туш эмас, бу омад ситораси, деб.
Заминга хокимлик ишораси, деб,
Ботин ниятларин ўт олдирдилар.
Ха, Замин...
Она-Ер! Чексиз оламда
Тирикликни туккан ягона манзил.
Уни тахкирлайман деган хар бандада,
Хар худо—разил...

ИККИ ГУЛ

Энди айтсам айта колай,
Анча бўлди бу гапга.
Бир ёш сулув кизча билан
Ўлтирадик эгатда.
Лов-лов ёнар, камгап экан,
Мен сўзини кутардим.
У ийманиб ерга карап,
Мен саволга тутардим.
Хаёл кетиб колар эди:
«Кўзлари мунча тийрак...»
Аммо бугун мен у хакда
Хабар ёзишим керак.
Шунинг учун ишга ўтдим,
Тийиб бебош йўларни.
Жавоблари чала-чулпа,
Рўмол учин ўйнарди.
«Ха, жўякка йўл соламиз
Шабнам кўтарилиганда...»
«Ха, штурвал огир, лекин
Кийин эмас билганга».
Куёш тапти ёногида,
Манглайида — сепкили.
Нафасидан сезилгандай
Сирли тонглар эпкини.
Узокларга тикилади,
Узокларда корли тор.
Гап ололмай кийналаман,
Киз хам менга хайрихox.
«Ха, чарчайман... лекин, каранг,
Ок булатлар калкиди... »
У турганда изларидан
Чакмок хиди анкиди.
Бирга турди пахтазорнинг
Тароватли еллари.
Кўз ўнгимда комбинезон
Сикиб турган беллари.
...Ёзолмадим маколани,
Чикмаслигин билгандим.
Лекин ўша учрашувда
Бир нимани ўргандим.
Мехнат килган ўзи билар
Унинг ички зиёсин.
Сўзлаб бериш мушкул экан
Мехнат поэзиясин.

Дерлар: шеъру мехнат гули
Дил тўрида битибди...
Шеъриятнинг сирларини
Ким хам баён этибди?
Уни баён этиб бўлмас,
Канча куч сарфламанг.
Гул атрини хидлаб билинг,
Гул атрин таърифламанг.

ДЕРАЗА ЁНИДА

Сильва Капутикяндан
Сенга интизорман.
Хира дарпардалар...
Тунги чорраҳадай дунёйим бўм-бўш.
Жимликни сеҳрлаб кўчар шарпалар,
Хар кадам товушидан калбимда жунбиш.
Хамон умидворман,
Калбим маликаси!
Согинч ва аламдан тун хам зим-зиё.
Яна узокларда шошкин кадам саси,
Бу хам ўтармикин, тўхтармикин ё?..
Эвоҳ,
Бу хам тўхтамади, ўтди.
Калбга зардоб бўлиб томди ўқинчи.
Калб зиркирар,
Чунки уни худди
Топтаб ўтар эди хар бир ўткинчи...

КУЗ

Кузги булат келиб окшом асноси
Боглар этагида кўздан йўколди.
Силкитиб уфкнинг ўтли тасмасин,
Чинор тагларида кўлмак сув колди.
Чинор сўнг бор сезди танида илик,
Пилдираб тушганда охирги япроқ.
Сувни чайкадиу бир зумлик титрок
Сўнг яна жим бўлди, осмондай тиник
Кўлмакда шафакнинг бир томчисидек
Ёнарди чинорнинг сўнгги тухфаси...
Бежизмас, шоирнинг илхомчиси деб
Сени атайдилар, эй ўйчан фасл!

ШАМОЛ

Тунлари интизор кутасан хабар,
Эшик гирчилласа уйкунг кочади.
Билмасмидинг ахир шу пайтга кадар:
Баъзида эшикни шамол очади...
Билмасмидинг, шамол—енгил, дайди;
Унга мухаббат хам, такдир хам арzon.
Бугун соchlарингни силаб эркалайди,
Эртага бодларни этади хазон.

ЯПРОК

Очил бува юзга кўйди кадам.
Чинор чорлар уни, ёлгиз умрдош,
Факат чинор унинг дардига хамдам.
Колган хамма нарса, хатто водий хам,
Ундаги денгизлар, дарёлар хам ёш.
Турди, хар кунгидай, элдан илгари.
Хувиллаб ётарди кимсасиз гузар.
Хазонга бурканмиш сайхон чимлари.
Бува кўнглидаги ўйлар сингари
Кўкда пага-пага буулутлар сузар.
Кеч куз, совук. Чинор ялангоч.
Шохлари кизларнинг сийнасида ок.
У тайёр, у кутар, у кишга мухтоj;
Факат бир бутоқда, гўё ноилож,
Калтираб турибди ягона япрок.
Бува, титраб ок киприклари,
Тихилиб колди, гўё ўз такдирига.
Ёнида йўк яшил, тириклари,
Узилиб учган минглаб шериклари,
Нега шафкат килган шамол бирига?
Изгиринлар уни юлиб кетмабди.
Бу йилги баҳорнинг сўнгги мероси.
Аёзларнинг унга кучи етмабди,
Хамон илиниб турар.
Демак битмабди
Томирлардан келган хаёт шираси.
Бува илк бор сезди галати тўйгу.
Ёлгизлик... Сарик барг сал шитирларди.
Кузнинг оч шамоли кезарди гув-гув.
Изгиринда чолга чинорнинг мангу
Яшил шовуллаши эшитиларди...

ЧАШМА

У кетди. Кишлокнинг бўз болалари

Уни бир кўрмокка хамон ташнамиз.
Узок эмас чоги кент оралари—
Бир кун чорлаб келди ойдин чашмамиз.
Кайтиб кетар экан, чашма сатхида
Юлдузлар безовта тебраниб колди...
Турмаган эди-ку бу киз ахдида,
Нега чашмамиздан яна сув олди?

ЮРАК

Калб, чида! Сендаги бу янги туйгу
Утдай хавфли, bemavrud ва ёш...
Сир бўлиб колсин у каърингда мангур,
Гаму шодликларга бергансан бардош.
Тасаввур кил, ахир, хаммага хамма
Сўзласа дардини, шикоятини,
Айтиб бераверса хар бир кадамда
Эзгу мухаббатин хикоясини.
Айтиб бераверса барчага барин—
Омаду жудолик ва ёнганини,
Рашк, умид, алами ва афсусларин,
Алдагани, кувонганини.
Юрак сирларини ёйса оламга,
Гусса уммонида гарк бўлар эдик.
Бахт кувончда сузган барг бўлар эдик,
Жой хам колмас эди балки одамга...
Хайрият, бу—хар кимнинг ўз иши,
Хар ким ўз ичига ютиб юради.
Ишқилиб, мард бўлсин бу ишда киши,
Дарёдай кенг бўлсин инсон юраги!

ЭРКИН

Совук эди, ок кувоклар шумшук;
Кушлар бўготларга кириб беркинган.
Факат битта хурпайган чумчук
Нимадир кутарди бизнинг Эркиндан.
Нимаси биландир унга ўхшаган
Эркин хам кўл чўзди, кафтида ушок.
Бехос эхтиётлик кочди кушчадан,
Эски ошнасини топгандай шу чок,
Шохдан шохга тошдай отилди,
Тўкиб кувокларнинг кумуш нинасин.
Совук юмшаб, изгирин хам тинди,
Дегандай: орада ноз хуркимасин.
— Мен булбул эмасман, ёки мусича,
Майлими? — дегандай чумчук ўзича,

Чуркиллаб, goх караб унинг афтига,
Учиб келиб, кўнди кафтига.
— Дадил бўл... — деб
Эркин, баланд тутди,
Эриш китик сезди бармокларида,
Саховат куёши ёнарди худди
Совукдан кизарган ёнокларида.
Хар бир ишchan, серсавлат киши,
Шу ерда кадамин секинлатарди.
Тўхтаб хотин-халаж, унтар ишин,
Боболар соколин селкиллатарди.
Тўхтаб колардилар.
Чумчук эмас, гўё
Мўъжиза топгандай бола кафтидан,
Кўзларида кувонч бир дунё
Жиндак әзгуликнинг оддий тафтидан.

КУЁШ

Офтоб чикди оламга,
Яна ёник, яна ёш.
Шундай сахий, шундай сахий
Хар томчиди—бир куёш!
Хар корачиг тубида у
Кувонч бўлиб ёнади.
Куёш менинг bogларимда
Шарбат бўлиб томади.
Чараклайди ойналарда,
Хамма унга интизор.
Хали унинг иши кўпdir,
Хали кечга анча бор.
Чарчайди у, чанкайди,
Уни йўлда кутаман.
Киров кўнган гулбаргни
Кафтларимда тутаман.
Олов ёлларини силкиб
Толиккан отдай ювош,
Иссикина кафтларимдан
Шабнам ичади куёш!

МАНГУЛИК

Ўзини денгизга багишлиб, дарё,
Жилгалар ўлади.
Узок-узок янграб замонлар аро
Кўшиклар сўлади.

Ёрг ёниб,
Шон-шухратга кониб,
Юлдуз ўчади—
Йўклик дунёсига кўчади.
Гоҳ хавас киламан...
Лекин аслида:
Мен у хам бўлмасам,
Бу хам бўлмасам.
Табиатдай бўлсам: сўлсам-да фаслида,
Сира ўлмасам!

Биламан: йилларнинг окими
Конимни совутар калбимда.
Лекин йилларимнинг асили
Бари бир—олдинда.

Хужайрамнинг хар бир бўлагида
Аждодлардан мерос коним бор.
Сахродаги карвон йўлларида
Ёзилмаган эзгу конун бор:
Олислардан келган ташна мусофир
Ногоҳ бир манзилда кудук топади.

Тўйиб ичгандан сўнг, геолог, шофёр,
Иргай, ёвшан билан устин ёпади.
Токи кум босмасин куюнлар келса,
То ямлаб кетмасин куёш ёлкини.
Ундан кейин келган нотаниш кимса
Топсин катраларнинг жонбахш салкинин.
Мен билишим керак, билишим керак,
Бир савол калбимга ларза солади:
Аждодлардан мерос конимдан бўлак,
Мендан издошларга нима колади?